

АКАДЕМИК БОТИРХОН ВАЛИХЎЖАЕВ
ВА МУМТОЗ АДАБИЁТШУНОСЛИК

мавзусидаги илмий-амалий
анжуман материаллари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



АКАДЕМИК БОТИРХОН ВАЛИХЎЖАЕВ
ВА МУМТОЗ АДАБИЁТШУНОСЛИК

*мавзусидаги илмий-амалий анжуман
материаллари
(Самарқанд, 20.05.2022 й)*



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIY VA ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“АКАДЕМИК БОТИРХОН ВАЛИХЎЖАЕВ ВА
МУМТОЗ АДАБИЁТШУНОСЛИК”
мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари
(Самарқанд, 20.05.2022 й)

Самарқанд – 2022

Хуллас, “Махбуб ул-қулуб” асари Алишер Навоий шеърятини, қофия ва радиф қўллаш маҳоратини ўрганиш, унинг янги-янги қирраларини кашф этиш учун ҳам қимматли манба саналади.

Алишер Навоийнинг насрий асарларидан ўрин олган турли жанрлардаги шеърлари Навоий шеърятининг ҳам нодир намуналари бўлиш баробарида туркий насрнинг хос белгиларидан бўлган наср ва назм уйғунлиги, воқеликнинг лирик талқини намуналари, бу хусусиятларни камолот даражасига олиб чиққан ноёб дурдона асарлар эканлиги билан ҳам қадрлидир. Бинобарин, беш хил жанрдаги 510 мисра шеърни ўз ичига олган манбани шеърят поэтикаси нуқтаи назаридан махсус ўрганиш бугунги адабиётшуносликнинг муҳим вазифаларидандир.

Адабиётлар

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами 10 жилдлик: 9-жилд. “Махбуб ул-қулуб”. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2011.
2. А.Ҳожиаҳмедов. Шеърини санъатлар ва мумтоз қофия. – Тошкент, 1998.
3. Б.Валихўжаев. Ўзбек мумтоз адабиётшунослиги тарихи. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
4. М.Муҳиддинов. Кўнгил хайратлари. – Тошкент, 2020.

Гулноза Тешаева,

БухДУ адабиётшунослик мутахассислиги

I босқич магистранти.

Илмий раҳбар: Ш.Н.Аҳмедова ф.ф.д., профессор

АДАБИЙ ПАРАЛЛЕЛ: НАВОИЙ ВА АТТОР

Аннотация

Адабий танқид адабиётшуносликнинг асосий ва оператив соҳаларидан бири сифатида ўз жанрий таркибига эга. Танқидчилик жанрлари қандай муаммоларни қамраб олиши ва вазифалари нуқтаи назари бўйича таснифланади. Мазкур мақолада адабий параллел танқидчиликнинг мустақил ва ўз специфик хусусиятларига эга бўлган жанри сифатида ўрганилган, жанрнинг генезиси, табиати,

хусусиятлари Е.Э.Бертелснинг “Навоий ва Аттор” тадқиқоти асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: адабий параллел, қиёсий-типологик таҳлил, специфик хусусиятлар, антик давр адабиёти, “Қиёсий ҳаётномалар”, монографик адабий параллел, мақола - параллел, “Навоий ва Аттор”.

“Барча санъат турларида бўлгани каби адабий танқид асарларининг ўз тузилиши, илмий-маърифий хусусиятлари, қўлланиш ўрни ва бажарадиган вазифаларига кўра муайян гуруҳ ва йўналишлари мавжуд” [Назаров, 2012,380]. Адабиётшуносликда «жанр» атамасини икки маънода қўллаш анъанаси кузатилади. Француз тилидан олинган бу сўз «тур» ва «хил» маъноларини англатади. Шунинг учун илгари “жанр” термини билан эпик, лирик ва драматик турлар аталган бўлса, кейинчалик уларнинг муайян тарихий даврдаги намоён бўлиш шакллари (роман, қисса; комедия, трагедия; сонет, элегия каби) шу истилоҳ билан юритилган [Қуронов, 2018, 366]. Адабиётшунослик луғатида эса жанрга қуйидагича таъриф берилган: “Адабий жанр – адабий асарларнинг тарихан шаклланувчи типи, муайян давр миллий ёки жаҳон адабиётида умумий хусусиятлари билан турли кўламдаги гуруҳларни ташкил қилувчи асарларни англатувчи тушунча” [Қуронов, 2018, 99].

Адабий параллел ҳам адабий танқидчиликнинг мустақил ва ўзининг специфик хусусиятларига эга жанри ҳисобланади. Мазкур жанрнинг келиб чиқиш илдизлари антик даврга бориб тақалади. Қадимги юнон файласуфи, тарихчи ва ёзувчиси Плутархнинг “Қиёсий ҳаётномалар” тарихий-биографик асарида Лисандр ва Сулла, Китон ва Ликулл, Никий ва Красе, Агесилай ва Помпей, Александр ва Цезар, Демосфен ва Ситцерон каби машхур юнон, римлик давлат ва сиёсий арбоблар, нотик ва ижодкорларнинг ҳаёт йўли, хулқ-атвори, турмуш тарзи қиёсий усулда ёритилган. Плутархнинг мазкур параллеллари тарихий, психологик, методик параллелларнинг келиб чиқиши ва тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Адабий параллел танқидчиликнинг мустақил жанри сифатида илк бор рус олими ва танқидчиси Б.Ф.Егоров томонидан ўрганилган. Олим ўзининг адабий танқидда композиция, жанрлар ва услуб масалаларига бағишланган тадқиқотининг “Диалог ва адабий параллел жанр сифатида” (“Диалог и литературная параллель как жанры”) бўлимида адабий параллелнинг жанрий хусусиятларини

кўрсатади ва рус адабиётидаги мазкур жанрга кирувчи асарларни таҳлил қилади. Олим жанрнинг муҳим хусусияти сифатида таҳлил қилинаётган матннинг ҳажми ва қамров доирасини кўрсатади: "...қатъий қилиб айтганда, у(адабий параллел)ни материалнинг қамров кенглиги бўйича таснифланган жанрлар гуруҳига киритиш керак: адабий портрет – бу бир ёзувчи ҳақидаги мақола, монографик тақриз – бир асар ҳақида, обзор – кўплаб ёзувчларнинг кўп асарлари ҳақида ёзилса, параллел –бир-бирига қиёсланувчи икки ёки ундан ортиқ асар ёхуд ижодкор ҳақида ёзилади" [Егоров, 1980, 193].

Б.Ф. Егоров П.А. Вяземскийнинг "Державин ҳақида" мақоласини адабий параллел жанрининг ёрқин намунаси сифатида келтиради. Шу билан бир каторда, машҳур рус танқидчи В.В.Белинский илмий фаолиятида ҳам адабий параллел жанрига мансуб тадқиқотлар салмоқли ўрин тутишини таъкидлайди. В.В.Белинскийнинг "Петербурги ва Москва" (1844) "1847-йилги рус адабиётига бир қараш" асарлари шулар жумласидандир. Танқидчининг "Петербурги ва Москва" (1844) асари умуммаданий параллел намунаси бўлса, "1847-йилги рус адабиётига бир қараш" соф адабий параллелдир. Мақолада Гончаровнинг "Одатий тарих" ва Герсеннинг "Ким айбдор?" асарлари қиёсан таҳлил қилинган.

Ўзбек адабий танқидчилигида адабий мақола, монография ёхуд диссертация кўринишидаги адабий параллеллар яратилган. Адабий танқидчиликда параллел жанрининг ёрқин намунаси сифатида машҳур шарқшунос Е.Э. Бертелснинг "Навоий ва Аттор" асарини келтириш мумкин. Мазкур тадқиқотда Фаридиддин Атторнинг "Мантқиқ ут-тайр" ва Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асарлари қиёсий-типологик усулда таҳлил қилинган. Олим томонидан Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асари Аттор "Мантқиқ ут-тайр"ининг таржимаси эмас, балки ўзига хос оригинал дoston эканлиги кўплаб мисоллар асосида далилланган.

Туркий адабиётнинг форсий адабиётга боғлиқ эканлиги, бу икки адабиёт асрлар давомида бир-биридан озикланиб, ривожланганлиги маълум. Бироқ айрим ғарблик адабиётшунослар Шарқ адабиётининг таҳлилида Ғарб бадиий асарларини баҳолашда қўлланилган ўлчовлардан фойдаланганлар ва Шарқдаги адабий анъанани тўғри тушунмай, Навоийни "тақлидчи", "таржимон" деб атаганлар. Е.Э.Бертелс тадқиқотининг кириш қисмида юқорида келтирилган масалаларга ойдинлик киритар экан, "таржима" терминини Шарқ адиблари асарларига нисбатан жуда эҳтиёткорлик

билан қўлланилиши кераклигини, чунки унинг маъноси Шарқ адабий шакллариға ҳар доим ҳам мос келавермаслигини таъкидлайди. Тадқиқотчи дostonларни қиёсий-типологик метод асосида таҳлил қилган ҳолда қуйидаги фарқли жиҳатларни келтиради:

1. “Мантиқ ут-тайр” дostonи кириш, 24 мақола ва хотимадан иборат. “Лисон ут-тайр” дostonи эса кириш, 176 та унча катта бўлмаган боб ва хотимадан иборат.

2. Навоий аслиятга умумий тарзда ёндашади, бироқ уни аниқ беришга ҳаракат қилмайди ва жуда катта чекинишларга йўл қўяди.

3. Атторнинг услуби жуда ўтли, шеърлари дами қайтган хайқириқлар билан тўлган, ҳикоя баёни доимо муножот – Худога қаратилган оташин илтижолар билан бўлиниб туради. Навоий эса Аттордаги кескин қарашларни юмшатади ва ҳақиқий ислом доирасига киритади.

4. Дунёнинг яратилиш тарихи Атторда батафсилроқ баён қилинган, Навоий эса Шайтоннинг қувилишига кўпроқ ўрин ажратади.

5. Сувда чўкаётган болани қутқарган она, қароқчилар ҳақидаги ҳикоятлар Навоийда йўқ. Бинобарин, Навоий “Лисон ут-тайр”га 63 та ҳикоят киритган (умумий сони Атторникига қараганда жуда кам). Уларнинг фақат 12 тасигина форсча дostonнинг тегишли ҳикоятлари баёнидир, қолган 51 таси янгилик. Бинобарин, ҳикоятлар умумий сонининг 81% ини Навоийнинг оригинал ижоди маҳсули санаш лозим ва, айтиш мумкинки, тафсилотлар (деталлар) баёнида форсий ва туркий дostonларда умумий нуқталар жуда кам [Бертельс, 2005, 70].

6. Биринчи тўрт халифа таърифи иккала дostonда ҳам мавжуд, бироқ Навоийнинг баёни нисбатан аниқ, Атторнинг қуруқ ва формал таърифларидан анча мароқли. (Атторга нисбатан айтилган бу фикр у яшаган давр билан боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим. Г.Т.).

7. Навоий дostonида воқеалар аслиятдаги замон ва маконга боғлиқ бўлмаган мавҳум характерини йўқотиб, моддий шаклга эга бўлди, нисбатан реал тус олди, инсонпарварлик руҳини касб этди.

Е.Э.Бертельс иккала дostonнинг муштарак жиҳатларига ҳам тўхталиб ўтади.

1. Биринчи парча Атторда ҳам, Навоийда ҳам Аллоҳ ҳамдига бағишланган.

2. Ҳар иккала шоирда ҳам Пайғамбар саловотига бағишланган боб келади.

3. “Лисон ут-тайр”даги халифайи рошидинларга бағишланган бобларнинг дастлабки сатрлари аслиятнинг аниқ ифодасидир. Масалан,

*“Ҳожайи аввалки аввал ёри ўст,
Сони иснайни аз хуна филгори ўст”*

(Аттор).

*“Улки султони расулга ёрдур,
Сони иснайни аз хуна филгордур”*

(Навоий).

Тадқиқот хулосасида олим қуйидаги фикрларни илгари суради: “...гарчи Навоий, ўзи таъкидлаганидай, Атторга боғланган бўлса-да, бироқ шунга қарамасдан, ушбу бобнинг ўзиёқ форсча аслиятнинг эркин баёни ҳисобланади. Энг муҳим тафовут сифатида Атторнинг кескин фалсафий қарашлари юмшатилиганини, сўфизмнинг мўътадил шаклда баён қилинганлигини ва шиа маҳзабига мансуб Аттор учун жуда муҳим бўлган барча диний-сиёсий ўринларни тушириб қолдириш ҳолатларини келтириш мумкин. Навоий Аттор тизимини ўз доираси ва даври манфаатларига яқинлаштиради ва аслиятдаги Ҳирот саройига ноҳуш туюлиши мумкин бўлган ўринларни юмшатди” [Бертельс, 2005, 28]. “...Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони Аттор достони ҳақидаги дostonдир” [Бертельс, 2005, 72]. Ҳақиқатан ҳам буюк Навоий ўзи яшаган давр ва муҳитни ҳисобга олиб, асарни яратганлигини кўпчилик навоийшунослар таъкидлаганлар.

Демак, Е.Э.Бертелснинг юқорида зикр этилган тадқиқоти иккала дostonнинг муштарак ва индивидуал хусусиятларини қиёсий ўрганилиши натижасида вужудга келган ва адабий параллелнинг эркин намунаси ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, адабий параллел жанрида:

- икки ёки ундан ортиқ асар ёхуд ижодкор ижоди қиёсланади;
- адабий параллел ижтимоий-сиёсий, фалсафий, этнографик, тарихий, методик ва психологик, адабий каби характерга эга бўлади;
- материалнинг қамров кенглиги бўйича таснифланган жанрлар гуруҳига мансуб бўлади;
- = адабиётшуносликнинг қиёсий-тарихий ва қиёсий-типологик методлари кенг қўлланилади.

– Илмий муаммолар мақола- параллел, монографик адабий параллел ва илмий тадқиқот кўринишида тадқиқ қилинади.

Ўзбек танқидчилигидаги жанрлар мажмуи тарихан вужудга келган яхлит тизим бўлиб, хилма-хил типдаги танқидий асарларнинг мураккаб ва ўзига хос алоқалари ҳамда ўзаро таъсири замирида бунёдга келган. Жанрлар тизимининг шаклланиш жараёни танқидий тафаккур тараққиётининг муҳим қонуниятларидан бири ҳисобланади [Назаров, 2012, 381]. М.М.Бахтин: “Жанр адабиёт тараққиётининг ҳар бир янги босқичи ва шу жанрга мансуб ҳар бир асарда қайтадан туғилади, янгиланади. Жанр ҳозир билан яшайди, бироқ ҳамма вақт ўзининг ўтмиши, ибтидосини ёдда тутаяди. Жанр– ижодий хотиранинг адабиёт тараққиёти жараёнидаги вакилидир” [Бахтин, 2002, 120], – деб ёзади. Жумладан, адабий параллел ҳам адабий танқидчиликнинг муҳим ва ҳали етарлича илмий тадқиқ қилинмаган жанри бўлиб, чуқур ва илмий тадқиқини кутмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бахтин М.М. Собрание сочинений в 7 т. Т.6. – М., 2002.
2. Бертельс Е.Э. Навоий ва Аттор. Монография. Рус тилидан И. Мирзаев таржимаси. 2005.
3. Егоров Б.О. Мастерстве литературной критики: жанры, композиция, стиль. – Ленинград : Сов. Писатель, Ленинградское отделение, 1980.
4. Nazarov B., Rasulov A., Axmedova Sh., Qahramonov Q. O`zbek adabiy tanqidchiligi tarixi.–Toshkent:Cho`lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012.
5. Умарова М. Тарихий драмада бадиий вақт: Шекспир ва Фитрат. – Т., “Мумтоз сўз”, 2013.
6. Куронов Д. Адабиётшунослик назарияси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2018. –366-бет.

*Muradova Shodiya Zokir qizi,
Samarqand davlat niversiteti
1-bosqich magistranti.*

Ш.Қахҳорова. Шайхул-машойих Хожа Убайдуллоҳ Аҳроп Вали суҳбатлари ва Алишер Навоий Фано талқинига алоқадор ёрдамчи тимсоллар олами.....	251
Ш.Қораев. Шайхул-машойих Хожа Убайдуллоҳ Аҳроп Вали суҳбатлари ва Алишер Навоий (Ботирхон Валихўжаевнинг “Хожа Аҳроп тарихи” китоби маълумотлари асосида).....	257
Sh.Azimjonova. XX asr adabiyotshunosligining zakiy sinchisi.....	264
А.Раззоқов. Алишер Навоий шеърлятида “Бут” рамзининг ирфоний моҳияти.....	268
R.G`oyibboyeva. Alisher Navoiy o`z davrining buyuk olimi.....	275
T.Dusanova. “Махбуб ул-қулуб” назмиётида Навоийнинг қофия ва радиф қўллаш маҳорати.....	281
Г.Тешаева. Адабий параллел: Навоий ва Аттор.....	289
Sh.Muradova. “Farhod va Shirin” dostonidagi Shirin va Mehinbonu timsollarining tarixiy va badiiy taraqqiyoti.....	294
M.Hoshimova. Muhammad Alixon ijodining o`ziga xos xususiyatlari.....	300
F.Umurova. Bobur lirikasini o`rganilish tarixi.....	304
D.Boyoqova. “Tarixi anbiyo va hukamo” asarida payg`ambarlar haqidagi qissalarning tahlili.....	309
M.Nuritdinova. Bobur armonlarining armoni.....	317
H.Nazarova. “Hayrat ul-abror” dostonida gavdalangan chin so`fiylar siymosi.....	322
M.Fayzullayev. Faxriyor she`riyatida metaforik talqinlar.....	327
G.Abdurashidova. “Qisasi rabg`uziy”dagi she`riy parchalar haqida.....	330
Jamol Kamol she`rlarida rangin tuyg`ular: Ruhiyat ifodasi.....	336
Q.Sulaymonov. “Boburnoma” asarida Husayn Boyqaro tasviri.....	339
T.Quljanova. Rabg`u`ziyning “Qisas ul-anbiyo” asarida latifa janrining o`ziga xosligi.....	342
F.Abdukovulov. Fitratning adabiy faoliyati.....	345
D.Azizova. Xalq og`zaki ijodi va realizmning ilk bosqichlarida manfaatli nikoh motivi.....	351
G.Avg`onova. Mumtoz adabiyotda janrlar taraqqiyoti.....	357

АДАБИЙ МАТНШУНОСЛИК: НАШР, ИЛМИЙ ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

Ж.Жўраев. Абдулла Гулшанийнинг Самарқанд ва Самарқандликларга бағишланган муаммо шеъри ҳақида.....	364
--	-----